

Ўқиш ва адабиёт фанидан умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти ЎҚИШ

(1 – 4 синф)

1. Бошланғич таълимда ўқиш фанининг мақсад ва вазифалари

Бола ўқиш техникасини эгаллаши учун аввало, унинг саводхонлик даражасини ошириш, оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш, тўғри талаффуз этишни ўрганиши лозим.

Дастлаб, таниш, кейин нотаниш матнни ифодали ўқитиб, ўқувчидаги кўникма, малака аниқланади. Бунда микдорий кўрсаткич: ўқиш тезлиги, равон ўқий олиш, бир дақиқада нечта сўз ўқий олиши белгиланади.

Бола матн мазмунини тўлиқ ўқиб олиши, шунингдек, ўзгалар нутқини эшитиб, тушуниб олиши мақсад қилинади.

Ўқувчи 10 дақиқада 4-5 саҳифали матнни ўқиб, қайта сўзлаб бера олиши; ўзгалар фикрини англаб, уни оғзаки баён қила олиш даражаси аниқланади.

Мазкур стандарт мезонларининг ўзаро узвий боғлиқлиги (интеграцияси) ни ўқиш, она тили таълимида белгиланган вазифаларнинг амалга ошишида асосий омил ҳисобланади.

2. Таълим мазмунини белгиловчи кўрсаткичлар

Бошланғич таълимда она тили таълими таркибидаги ўқиш мазмунининг негизи қуйидагиларни ўз ичига олади:

- *мавзу доираси*: Ватан, ватан ўтмиши, ҳозирги тараққиёти, келажаги буюк
- алломалар, тарихий шахслар, халқ қаҳрамонлари, тенгдошлари ҳаёти, илм- фан, маърифат, маданият, мавсумий ўзгаришлар;
- *жанрий хусусиятлари*: ҳикоя, эртак, мақол, топишмоқ, достон, тез айтиш, шеър, латифа, лоф;
- китоб билан ишлаш;
- сўзларни тўғри талаффуз қилиш; бўғинлаб ўқишдан онгли, сидирғасига (текис), тез, тўғри, равон ва ифодали ўқишга эришиш;
- ўзбек ва ҳорижий болалар ёзувчилари асарларини ўқиш;
- ёзувчиларнинг исми-шарифи, асарларининг номлари ҳақида тўлароқ тушунча ҳосил қилиш;
- бадий асарларни шарҳли, ифодали ўқиш;
- асар мазмуни ва воқеалари ўртасидаги боғланишни, қаҳрамонларнинг феъл-атворларини аниқлаш, қиёсий тавсифлаш;
- ўқиган асарлари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки ва ёзма тарзда изчил ифодалаш;
- сўз бойлигини ошира бориш ва нутқида фаол қўллаш;
- ўқиган асарлари юзасидан мустақил режа тузиш;
- бадий асарларни эстетик таҳлил қилиш;

- ўқиган асарлари юзасидан савол-топшириқлар тузиш;
- насрий асар мазмунини тўлиқ, қисқартириб, шахсини ўзгартириб ҳикоялаш;
- бадиий асарларни ўзаро қиёслаб, тегишли хулосалар чиқариш.

3. Ўқувчининг ўзлаштириши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар

I синф

Ўқув йили якунида 1- синф ўқувчисининг тайёргарлик даражасига кўйиладиган талаблар:

Билим:

- ҳикоя, шеър, эртак, топишмоқ, мақол, тез айтиш жанрлари;
- бадиий асар мазмунини билиш;
- асардаги энг қизиқарли лавҳаларни билиши.

Кўникма:

- матндаги сўзларнинг маъноларини изоҳлай олиш;
- матн мазмунини кўргазмалар воситасида тўлиқ қайта ҳикоялай билиш;
- тайёр режа асосида асарни тўлиқ қайта ҳикоялай олиш;
- асар қаҳрамонларининг (салбий ва ижобий) хатти-ҳаракатларини аниқлаш ва баҳолай олиш.

Малака:

- сўз таркибида товушларни тўғри талаффуз қилиш;
- сўзларни бўғинлаб, сўнг сидирға (текис) ўқиш;
- ҳикоя, шеър, эртак, топишмоқ, мақол, ривоят, тез айтиш жанрларидаги асарларни ифодали ўқиш;
- бир дақиқада 25-30 сўзни ўқиш;
- ўқиган асари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш;
- ўқилган асар асосида расм чизиш;
- ўқув йили якунида 5 та шеърни ёддан айтиб бериш.

II синф

Ўқув йили якунида 2- синф ўқувчисининг тайёргарлик даражасига кўйиладиган талаблар:

Билим:

ҳикоя, шеър, эртак, топишмоқ, мақол, тез айтиш, халқ кўшиқларини фарқлай олиш;
шеърӣй ва насрий (ҳикоявий) асарлар

Кўникма:

- матндаги сўзларнинг маъноларини изоҳлай олиш;

- бадий асарга ўқитувчи ёрдамида режа туза олиш;
- болалар ёзувчиларининг турли жанрдаги асарларини мустақил ўқий олиш;
- мактаб кутубхонасидаги китоблардан фойдалана билиш;
- бадий асар мазмуни асосида ўз фикр ва мулоҳазаларини баён қила олиш;

Малака:

- ҳикоя, шеър, эртак, топишмоқ, мақол, тез айтиш, ривоят, ҳикоят, масал, халқ қўшиқларини тўғри, онгли ва ифодали ўқиш;
- тузилиши мураккаб кўп бўғинли сўзларни бўғинлаб, сўнг сидирға (текис) равон ўқиш;
- тузилиши содда сўзларни яхлит ўқиш;
- бир дақиқада 40-50 сўзни ўқиш;
- асарни жанр ва мавзусига кўра ажратиш;
- ўқитувчи раҳбарлигида матнни қисмларга бўлиш ва ҳар бир қисмга сарлавҳа ўйлаб топиш;
- режа асосида асарни қайта ҳикоялаш;
- матн мазмунини кўргазмалар воситасида ҳикоялаш;
- асар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини мустақил равишда баён этиш;
- асар мазмунига доир расмлар чизиш ва номлаш;
- ўқиган асар юзасидан баҳс, мунозара қилиш;
- ўқув йили якунида 10 та шеърни ёддан айтиб бериш.

III синф

Ўқув йили якунида 3- синф ўқувчисининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар:

Билим:

- ҳикоя, шеър, эртак, топишмоқ, мақол, тез айтиш, латифа, ривоят, ҳикоят, масал, ибора, афсонани жанрига кўра фарқлай олиш
- бадий асар мазмунига муносабат билдира олиш;

Кўникма:

- матндаги сўзларнинг маъноларини изоҳлай олиш;
- мактаб кутубхонасидаги китоблардан унумли фойдалана билиш;
- асардаги қаҳрамонлар ҳақида кичик ҳикоя туза олиш;
- болалар ёзувчиларининг турли жанрдаги асарларини мустақил равишда танлаб ўқий олиш.

Малака:

- эртак, топишмоқ, мақол, тез айтиш, халқ қўшиқлари, қиссалардан парчаларни тўғри, онгли, ифодали, сидирға ўқиш;
- ўқилган бадий асарга режа тузиш;
- асар мазмунини қайта ҳикоялашда ўхшатиш

- асар мазмунини қисқартириб, қайта ҳикоялаш;
- ўқиган асари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини эркин билдириш;
- бир дақиқада 65-75 та сўз ўқиш;
- ўқув йили якунида 15 та шеърни ёддан ифодали айтиб бериш;
- мустақил ўқиш учун бир мавзу доирасида бир нечта асар танлай билиш ва ифодали ўқиш;
- ўқилган асар асосида кичик сахналар қўйиш.

IV синф

Ўқув йили якунида 4- синф ўқувчисининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар:

Билим:

- ҳикоя, шеър, эртак, топишмоқ, мақол, тез айтиш, ривоят, ҳикоят, масал, латифа, лоф, ибора, афсона, халқ қўшиқлари ҳақида тушунча; асардаги жонлантириш, ўхшатишлар; бадий асар мазмунининг мустақил таҳлили.

Кўникма:

- матндаги сўз, ибора, гапларнинг маъноларини изоҳлай олиш;
- болалар ёзувчиларининг турли жанрдаги асарларини танлаб, мустақил ўқиб, ижодий сўзлай билиш;
- мактаб кутубхонасидаги китоблардан унумли фойдалана билиш;
- асардаги қаҳрамонлар ҳақида кичик ҳикоя туза олиш;
- ўқилган асар асосида ижодий равишда расмлар чиза билиш;
- хабар, табиат тасвири, кузатган воқеа ва ҳодисалар иштирок этган кичик ҳажмдаги иншо ёза олиш;

Малака:

- ҳикоя, шеър, эртак, топишмоқ, мақол, тез айтиш, ривоят, достон, ҳикоят, масал, латифа, лоф, ибора, афсона, халқ қўшиқлари, достон ва қиссалардан парчаларни тўғри, онгли, ифодали, сидирға ўқиш;
- бадий асарга мустақил режа тузиш;
- бир дақиқада 80-90 сўзни ўқиш;
- матн мазмунини режа асосида тўлиқ ёки қисқартириб, ижодий қайта ҳикоялаш;
- асар қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатини баҳолаш, уларга шахсий муносабат билдириш;
- мустақил ўқиш учун бир мавзу доирасида бир нечта асар танлаш ва ифодали ўқиб, сўзлаб бериш;
- асар асосида баҳс - мунозара, мушоира қилиш;
- ўқилган асар асосида кичик сахна кўринишларида фаол қатнашиш;
- туман, шаҳар кутубхоналарига сайр қилиш ва аъзо бўлиш, китоб
- ҳафталикларида фаол қатнашиш;
- ўқув йили якунида 20 та шеърни ёддан айтиб бериш.

Ўқувчилар қирғиз ва ўзбек адабиётининг, шунингдек, жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўқиш ва таҳлил қилиш асосида эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ҳақидаги хилма-хил талқинларга дуч келишади, уларга онгли ва жонли муносабат билдиришади, шулар асосида ўзларидаги ахлоқий-маънавий фазилатлар мажмуининг шаклланиши ва ривожига имкон топишади. Уларга нисбатан очиқ ҳаётий муносабатларнинг акс эттириш зарурияти эса ўқувчиларнинг оғзаки ҳамда ёзма нутқларининг ривожига муҳим омил вазифасини адо этади.

Ўқувчилар турли давр ва мамлакатларда, турлича дунёқараш ва эътиқодларни акс эттирган бадиий асарларнинг энг юксак намуналари билан танишиб борадилар. Шулар асосида уларда олам ва одамларнинг ранг-баранглиги, уларнинг такрорланмаслиги, айти пайтда оламнинг, бутун башариятнинг бир бутунлиги ҳақидаги тасаввур ва қарашлар шаклланиб, кенгайиб, мустаҳкамланиб боради. Энг муҳими, у олам ва одамга тегишли бўлган барча ҳодисаларга эмоционал (ҳиссий) муносабат билдира оладиган даражага кўтарилади, қарашлар, дунёқарашлар, нуктаи назарлар хилма-хиллигини кузатиш имконига эга бўлади.

Таълимнинг турли босқичларида ўрганиш учун саралаб олинган асарларга қўйиладиган асосий мезонлар сифатида уларнинг юксак бадиияти, инсонпарварлик йўналиши, ўқувчи шахсининг ёш хусусиятларини эътиборга олган ҳолда унинг камолоти учун кўрсата оладиган ижобий таъсири, миллий ва умуминсоний ғояларга уйғунлиги, қирғиз ва ўзбек ҳамда жаҳон адабиёти тарихида тутган ўрни сингари белгилар олинishi мумкин.

Ўқувчилар адабий таълимга оид қўйидагиларни билишлари керак:

- матнни тўғри, тез ва ифодали ўқиш қоидаларини;
- Президент асарларидаги маданий меросга, адабиётга, санъатга оид асосий ғоялар мазмунини;
- Мамлакатимиз мустақиллиги ва байрамлари ҳақидаги, она-Ватанга муҳаббат уйғотувчи адабий асарлар мазмунини англаган ҳолда сўзлаб беришни;
- мумтоз адабиёт жанрлари билан замонавий адабиёт жанрларини фарқлай олишни;
- бадиий адабиётнинг асосий жанрларини;
- бадиий асарнинг асосий тасвир воситаларини;
- уларнинг ифода имкониятларини;
- ўрганилаётган асар мавзуси, асосий ғоявий-бадиий хусусиятларини;
- берилган ҳар қандай мавзуда оғзаки ва ёзма равишда мустақил фикр юрита олишни;
- ўқилган асаридан олган таассуротларини ёрқин ифодалаб бера олишни;
- ўзга инсоннинг туйғулари ва ҳиссий кечинмалари хусусида фикр юрита олишни;
- турли мавзуларда иншо ёза олишни;

- ўрганилган адиблар табиатига хос бўлган ҳислатларни баҳолай олишни;
- адабий қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларига муносабат билдира олишни ва уни асослай билишни;
- юксак дидли ва ақлан баркамол адабий қаҳрамонларнинг ҳислатларини очиб бера олишни;
- мусиқа ёки ранг тасвир асари замиридаги бадиий жозибани ҳис қилиш ва уни сўз билан ифодалаб беришни;
- ўрганилган асарларда тасвирланган бадиий тимсоллар хусусиятига хос бўлган ҳислатларни англаб, уларга муносабат билдира олишни;
- ўрганилган асарлардаги адабий қаҳрамонлар хусусиятига хос бўлган фазилатларга мустақил фикр билдира олишни;
- ўрганилган бадиий асарлар тимсолларининг табиатидаги миллий хусусиятларни англай билишни;
- адабиёт назариясига доир билимларни китобхонлик амалиётида мустақил қўлай олишни;
- адабий -тарихий даврларга ва адиблар ижодига тўғри баҳо бера олишни.

I. Ўқувчилар адабий таълимга оид қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

- адабий-бадиий матнларни тўғри, тез ва ифодали ўқиш;
- ҳар бир синф даражасида 4-5 та матнни ёддан айта олиш;
- Президент асарларини билиш, уларда илгари сурилган ғоялар асосида мушоҳада юрита олиш;
- адабий асар мазмунини англаган ҳолда қайта сўзлаб бериш;
- берилган адабий ва ижодий мавзуларда оғзаки ҳамда ёзма тарзда мустақил фикр юрита олиш;
- ўқиган асарлари ҳақидаги тасаввур ва таассуротларини ифодалай олиш;
- берилган адабий ва ижодий мавзуларда мустақил равишда режа тузиш ҳамда шу режа асосида иншо ёзиш;
- адабий қаҳрамонларнинг етакчи ҳислатларини ёритиш, уларнинг хатти-ҳаракатларига муносабат билдириш, асардаги факт ва материаллар асосида ўз нуқтаи назарини асослай олиш;
- адабий-назарий ҳодисалар моҳиятини тўғри илғаш ва уларга боғлиқ тушунча ва билимларини ўрганилаётган асарга татбиқ этиш;
- адабий-тарихий даврларга ва адиблар ижодига тўғри баҳо бериш;
- бадиий асар тилидаги ўзига хосликларни илғаш ва уларни изоҳлай олиш.

II. Адабиёт (қирғиз тилида) таълимининг мақсад ва вазифалари:

Адабий таълим ўз олдига бир қатор мақсадларни қўяди. Умумий ўрта таълим мактабларидаги адабий таълим асосан соф илмий мақсадларни эмас, балки маънавий-ахлоқий йўналишлар устуворлигини кўзда тутди. Улар орасида энг муҳимлари қуйидагилар:

- ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини эътиборга олган ҳолда қирғиз ва ўзбек ҳамда жаҳон адабиётининг энг муносиб намуналари билан таништириш асосида уларнинг қалбида ватанпарварлик, эзгулик, инсонпарварлик, миллий бағрикенглик сингари юксак инсоний фазилатларга нисбатан рағбат, меҳр ва муҳаббат уйғотиш;
- уларни фуқаролик ва ватанпарварлик руҳида, адабиётга, миллий, маданий-маърифий қадриятларга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаш;
- уларнинг бой маънавий дунёсини шакллантириш;
- бадиий асар ва унинг поэтик хусусиятларини ўрганиш асосида ўқувчида танқидий фикрлашга оид кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш;
- улардаги мустақил фикрлаш, ижодкорлик қобилиятларининг шаклланиши ва ривожини учун имконият яратиш;
- уларда ҳар қандай маънавий хуружларга нисбатан соғлом ва бақувват эътиқодга таянадиган иммунитетни шакллантириш;
- сўз санъати воситасида ўқувчининг индивидуал ва шахслик фазилатларини ривожлантириш.

Мазкур мақсадларни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларнинг бажарилиши зарур бўлади:

- ўқувчиларда бадиий адабиётга нисбатан меҳр уйғотиш;
- ўқувчиларнинг бадиий адабиётнинг жанр ва услубий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уни таҳлил қилишнинг муносиб шакллари топиш ва амалда қўллашга ўрганишларига эришиш;
- ўқувчиларнинг оғзаки нутқларини адабий тил меъёрлари асосида шаклланиши ва ривожини таъминлаш;
- уларнинг ёзма нутқларида юксак саводхонлик, қирғиз адабий тили меъёрларига риоя этиш, услубий ранг-барангликлардан фойдалана олишга оид кўникма ва малакаларнинг шаклланишига эришиш;
- адабий-бадиий асар моҳиятини, унинг асосий нуқталарини оғзаки ва ёзма тарзда ифода қилиш, бу ҳақдаги ўз фикрларини бошқаларга оғзаки ва ёзма тарзда етказиш йўллари эгаллаш;
- бадиий асар мазмун ва моҳиятини, ундаги гўзаллик ва нафосатни ҳис этишга ўргатиш;
- улардаги бадиий матнни эмоционал тарзда идрок этиш ва қабул қилишни, образли ва аналитик тафаккур ва ижодий фикрлашни, китобхонлик маданиятини, адабиётнинг бошқа санъат асарлари билан

яқин ва фарқли жиҳатлари ҳақидаги тасаввурларини, уларнинг оғзаки ва ёзма нутқларини ривожлантириш.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг ёш ва рухий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қирғиз адабиётини ўқитиш қуйидагича амалга оширилади:

V-VII синфларда ёзувчи таржимаи ҳоли ва адабий асарни синфда ўқиш, ўрганиш билан бирга, асарларни мустақил ўрганиш ва синфдан ташқари ўқишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Бу ерда мавзувийликка, сюжетлиликка нисбатан кўпроқ аҳамият берилади. Ўқувчиларнинг ижодий ўй-хаёлларини, индивидуал имкониятларини бадиий асарлардаги юксак бадиият ва такрорланмас санъаткорона тасвирлар орқали кенгайтириш асосий ўрин тутати. Гарчи бу асарларнинг ҳар бирини ўрганишда тарихий-эстетик тамойилларга тўла таянилса-да, уларни изчил хронологик тартибда эмас, балки муайян мавзулар (рукнлар) қўламида ўрганиш керак.

VIII-IX синфларда ўқувчиларга қирғиз адабиётининг ривожланиш тарихи, унинг асосий босқичлари, ундаги етакчи тур ва жанрлар, энг муҳим асарлар ҳақида дастлабки тушунчалар бериш; уларга қирғиз адабиёти тарихи яхлит бир эстетик жараён эканлигини сингдириш; бадиий матннинг асосий унсурлари, унинг таъсирчанлигини таъминлаган омиллар, адибларнинг бадиий маҳорати, услубий ўзига хосликларини аниқлаш; мавзуларга мос адабий-назарий тушунчаларни ўрганиш; уларда адабий асарни таҳлил қилиш малакасини шакллантириш қўзда тутилади.

Бу даврда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига таянган ҳолда қирғиз халқ оғзаки ижоди, қирғиз адабиёти, мустақиллик даври адабиёти, шунингдек, ўзбек ва жаҳон адабиётининг ватанпарварлик, қаҳрамонлик, гўзаллик, адолатпарварлик, инсонпарварлик, моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги, диний бағрикенглик каби юксак инсоний фазилатларни тараннум этувчи асарларни ўрганиш, шунингдек, адабиётни нисбатан бўлса-да, изчил курс сифатида ўқитишга эътибор берилади. Адиблар ва асарларни ўрганишдаги хронологик изчиллик ҳам бунга хизмат қилади. Мазкур асарларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда айрим адабий-назарий тушунча (жанр, тур, тасвир воситаси, шеърӣй ва насрий нутқ)лар ҳақидаги маълумотлар ҳам берилади.

III. Ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган зарурий талаблар

V синф

Билимлар. Адабиётнинг сўз санъати эканлиги, халқ оғзаки ижодининг шу санъатнинг бир кўриниши эканлиги ҳақидаги дастлабки тушунчага эга бўлиш; мақол, топишмоқ, ҳадис, масал, ривоят, халқ эртаклари, адабий эртаклар, ҳикоя, шеър, рубоӣй, саёхатнома каби жанрлар ҳақида ихчам маълумотларга эга бўлиш, улар орасидаги фарқларни билиш.

Кўникмалар. Адабиётнинг сўз санъати, халқ оғзаки ижоди унинг бир кўриниши эканлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиш; ҳадисларнинг мазмуни ва маъносини тушуниш; бадиий асар (жумладан, ривоят ва адабий эртаклар, шеър, ҳикоялар)даги асосий фикр ва туйғуни англаш ва ҳис эта олиш; бадиий асар мазмунини илғай билиш; бадиий асар қаҳрамонига шахсий мулоҳазасини билдира олиш; асар мазмунини матнга яқин тарзда ҳикоялай олиш.

Турли жанрлардаги бадиий матнларни ифодали ўқиш, асарларда акс этган ҳис-туйғулар тасвирини туйиш ва уни ифодалай билиш; қаҳрамоннинг асосий маънавий фазилат ва нуқсонларини тавсифлай олиш; асардаги асосий ва иккинчи даражали воқеаларни ажрата билиш; ўрганилган асарнинг содда режасини тузиш; шу режага муносиб қисқа ҳажмли иншо ёза олиш; ўрганилган асарларга таяниб, ижодий матн яратиш, халқ эртакларини адабий эртаклардан фарқлай билиш.

Асар образлари ва улар орасидаги муносабатлар ҳақида тушунчага эга бўлиш, лирик асарларни тушуниб ўқиш, шарҳлаш, бадиий матндаги тасвир асосида адабий қаҳрамонга, ўзи ва ўртоқларига баҳо бериш, шеърини асарни тушуниш, имло ва изохли луғатлардан фойдаланиш, асар қаҳрамонларига нисбатан ўзида дарддошликни ҳис этиш, топишмоқ, эртак, ихчам бадиий тўқима-қатра тарзидаги ижодий матн ярата олиш, сўздан таъсирланишни ҳис этиш, қирғиз миллатига хос ва умуминсоний қадриятлар тасвиридаги мазмун ва моҳиятни тушуниш, улардаги миллий ифтихор, ғурур туйғуларини ҳис эта олиш, турли вазндаги шеърларни ифодали ўқиш.

Малакалар. Оғзаки ва ёзма нутқда сўзнинг ўз ва кўчма маъноларидан тўғри ва унумли фойдаланиш; мақол, топишмоқ, ҳадис, эртак, масал, шеър, ҳикоя ва бошқа жанрлар воситасида ифодаланган эзгулик ва яхшилик сифатларини ўз ахлоқий меъёрларига сингдириш; уларда ифодаланган Ватан, эзгулик, гўзаллик, ўзаро ҳамжиҳатлик туйғуларини англаш; бадиий асар мазмунини ўзлаштириш ва ҳикоялаш; мақол, топишмоқ, ҳадис, масал, ривоят, халқ эртаклари, адабий эртаклар, ҳикоя, шеър, рубоий, саёҳатнома каби жанрлар ҳақидаги назарий маълумотларни конкрет асарларга татбиқ этиш; матнни ифодали ўқиш; бадиий матн ёки ундан олинган парча асосида оғзаки ва ёзма режа тузиш, режа асосида қаҳрамоннинг етакчи фазилатларини тавсифлаш; берилган матн асосида янгидан ижодий матн яратиш; адабий асардаги тасвир моҳиятини онгли тарзда ўзлаштириш; асар қаҳрамони билан ўзидаги (ўртоқларидаги) ахлоқий-маънавий сифатларни таққослаш; синфдан ташқари ўқилган асарларга мустақил муносабат билдириш; дарсликда берилган луғатлар билан ишлаш; бадиий матндаги эпитет, ўхшатиш, жонлантириш сингари нисбатан содда тасвир воситаларини топиш ва уларни асослаш; асардаги миллий қадриятлар тасвирига эътибор бериш ва уларни изохлаш; улардаги миллий ифтихор туйғуларига асос бўладиган ҳолатларни илғаш ва уни сўз воситасида ифодалаш, нотаниш бадиий матнни овоз чиқариб 105-110 сўз тезлигида ўқиш; нотаниш матнни овоз чиқармай 150-170 сўз тезлигида ўқиш; дастурда тавсия этилган 6-7 шеърларни ёд айтиб бераш.

VI синф

Билимлар. Адабиёт маънавият хазинаси эканлигини билиш. Ҳажвия, хикоя, қисса, саргузашт асар, бадиий асар тили, бадиий асарда кулги, халқ кўшиқлари, зарбулмасал, роман, достон, ҳикматли сўз ҳақидаги назарий маълумотларни билиш.

Кўникмалар. Адабиётнинг инсон маънавиятини шакллантиришдаги аҳамиятини англай олиш; асардаги ҳажвий қаҳрамонлар табиатига хос хусусиятларни белгилай билиш; матн мазмунини ўз сўзлари билан, шунингдек, унинг шахсини ўзгартириб изчил баён эта олиш; асар қаҳрамонлари хатти-ҳаракатларига муносабат билдириш ва асослай олиш; асар қаҳрамонларининг бир-бирларига муносабати сабабини тушунтириш, асар қаҳрамони руҳий оламига хос туйғулар тасвиридаги асл моҳиятни англай билиш; бадиий асар тилидаги ўзига хосликни тушуниш; тегишли жанрларга мансуб асарга хос хусусиятларни англай олиш.

Бадиий матнни ифодали ўқиш; асар мазмунини оғзаки изчил баён этиш; асарларда тасвирланган воқеа-ҳодиса, туйғулар моҳиятини, ундаги ўзига хосликларни англай олиш; асар қаҳрамонларига хос такрорланмас хусусиятларни тушуниш, ўрганилган асарлар аҳамиятини тасаввур эта олиш.

Изоҳли луғатлар билан ишлай олиш; шеърӣй ва насрий матнларни ифодали ўқиш; асардаги мажозӣй талқинни тушуниш, кўшиқ турларини, шеърӣй вазнларни ажрата олиш.

Шеърӣй матнлардаги лирик қаҳрамон ҳис-туйғуларини англай билиш; бадиий асарларда ифодаланган инсон руҳий туйғуларини тушуна олиш. Инсоний ҳислатларнинг миллий, ирқӣй ва диний тафовутлардан қатъӣй назар ҳар кимнинг ўзига боғлиқлигини англаш, қирғиз халқига хос урф-одат, руҳият ва маънавий қадриятларни тушуна билиш.

Малакалар. Бадиий матнни таҳлил қилиш; асарда тасвирланган воқеа ва ҳодисаларга баҳо бериш; қаҳрамон хатти-ҳаракатларига мустақил муносабат билдириш; ўқилган асардан шахсий хулосалар чиқариш; бадиий асардан олган таассуротларини оғзаки ва ёзма тарзда баён эта олиш.

Матнни образли ва ифодали ўқиш; асарда тасвирланган воқеа-ҳодисаларга баҳо бериш; асар қаҳрамонларига хос бўлган сифатларни таҳлил қилиш; ўрганилган асар юзасидан мустақил хулоса чиқариш; ўқилган асар юзасидан ёзма ва оғзаки таассурот баён этиш; асарларда тасвирланган давр билан ҳозирги кунни қиёслаб муносабат билдириш.

Бадиий матндаги тасвир воситаларини топиш ва уларни асослаш; қирғиз халқ кўшиқларида ифодаланган миллий руҳни англаш; бадиий матнларда ифодаланган инсоний фазилатларни ўз табиатига сингдириш ва уларга амал қилиш; матнларда ифодаланган ҳунарли, билимли бўлишдек сифатларни эгаллаш; бадиий матнни тўғри, тез ва ифодали ўқиш; асар қаҳрамони ҳақида оғзаки хикоя режасини тузиш.

Асар қаҳрамонига хос мардлик, тантилик, ҳалоллик каби хислатларни эгаллаш; асарларда ифодаланган ватанпарварлик туйғуси, Ватанга билимли илғор дунёқарашли фарзандлар кераклигини англаш ва бунга интилиш; буюк алломаларнинг илм-фан соҳасидаги хизматларини англаш ва уларга муносиб бўлишга интилиш; нотаниш асарни овоз чиқариб 105-115 сўз тезлигида ўқиш; нотаниш матнни овоз чиқармай 170-180 сўз тезлигида ўқиш; дастурда тавсия этилган 7-8 бадиий матнни ёд олиш.

VII синф

Билимлар. Шеърӣй вазн, баллада, ташбих, таносуб санъатлари, ҳасби ҳол, чистон, табиат лирикаси ҳақидаги назарӣй маълумотларни билиш, бадиий асарнинг инсон маънавиятини шакллантириш ва ривожлантиришдаги аҳамиятини тушуниш.

Кўникмалар. Бошқалар томонидан ўқилган бадиий асар мазмунини идрок эта олиш; асардаги бадиий тасвирнинг аҳамиятини англай олиш; бадиий асарда она тили имкониятларининг ўзига хос тарзда юзага чиқадиган ҳолатларини, уларда акс этган миллий урф-одат ва қадриятлар талқинини ҳис қила билиш; асарда ифодаланган ранг-баранг туйғулар тасвиридаги ўзига хосликларни кузатиш, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини англаб етиш; адабий асар таҳлилида назарӣй маълумотлардан фойдалана олиш.

Бадиий асарлардаги асосий фикр ва ғоя, бадиий кашфиётларни англай олиш; бадиий асарда ифодаланган хилма-хил инсоний фазилат ва нуқсонларга (мардлик ва номардлик, ростгўйлик ва ёлғончилик, тантилик ва пасткашлик) мустақил муносабат билдира олиш; бадиий тасвир воситалари, шеър санъатларини фарқлай олиш, оғзаки ва ёзма нутқда улардан фойдалана билиш.

Асар қаҳрамонлари ҳолатини ҳис этиш, лирик асарларни таъсирчан ва образли қилиб ифодали ўқиш, асарда ифодаланган табиат ва жонзотларга, табиат ҳодисаларига нисбатан меҳр-муҳаббат туйиш, асарлардаги гўзаллик туйғусини ҳис эта олиш.

Малакалар. Тегишли ижтимоий-маънавий, бадиий-эстетик муаммоларни тасвирлашда адабий тур ва жанрларнинг ўзига хосликларини ажратиш; қаҳрамонга тегишли муносабат билдираётганда асардаги руҳий ҳолатлар тасвирига таяниш; сўзнинг ўз ва кўчма маъноларини, бадиий асар замиридаги тағмаънони англаш.

Асарларда ифодаланган қирғиз ёки бошқа халқнинг миллий қадриятларига муносабат билдириш ва хулоса чиқариш; асар қаҳрамонларига мустақил тавсиф бериш; ўқилган асарлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини асослаган ҳолда оғзаки ва ёзма тақриз тайёрлаш; бадиий матндаги энг муҳим тасвир воситаларини топиш ва уларни асослаш; матнга атайлаб киритилган “бегона” сўз ёки синонимни аниқлаш; мумтоз ва замонавий асарларни ифодали ўқиш. Нотаниш асарни овоз чиқариб 110-120, овоз чиқармай 190-200 сўз тезлигида ўқиш; тавсия этилган 8-9 бадиий асарни ёд олиш.

VIII сиф

Билимлар. Дидактик адабиёт, трагедия (фожиа), роман, достон, нома, ғазал, туюқ, мусамман, муашшар ва бошқаларнинг шаклий-поэтик тузилишини, ирсоли масал, қофия, радиф ва бошқалар ҳақидаги назарий маълумотларни билиш.

Кўникмалар. Бадиий асар мавзуси ва ғоясини аниқлай олиш; бунда ҳар бир ижодкорнинг ўзига хослигини идрок этиш ва изоҳлай олиш; бадиий асардаги алоҳида ҳамда бир гуруҳ қаҳрамонларнинг оғзаки ва ёзма тавсифини бера олиш; бадиий асарда акс этган воқеа-ҳодисаларнинг халқ ҳаётига яқинлигини тушуна олиш; асар қаҳрамонларидаги фазилят ва нуқсонларнинг, унинг бадиий такомилидаги ўрни ва аҳамиятига баҳо бера билиш; алоҳида олинган адабий жанрлар, тасвир воситаларининг асардаги ўрни, бадиий-эстетик аҳамияти ва қимматини фарқлай олиш; мумтоз асарларни луғатлардан фойдаланган ҳолда изоҳлай олиш.

Асар қаҳрамони руҳий оламига хос нозик туйғуларни, лирик қаҳрамон табиатидаги миллий ўзига хосликни англай олиш; асардаги асосий ахлоқий-маънавий муаммолар ифодасининг сабабларини тушуна билиш; асар қаҳрамони кечинмаларидаги зиддият сабабларини англаш ва муносабат билдира олиш; бадиий асар тилини тушуниш, ижоди ўрганилган адабларнинг қирғиз адабиёти ривожига қўшган ҳиссасини англай олиш.

Бадиий асарларда акс этган воқеликни санъатнинг бошқа турларидаги айни ҳодисалар тасвири билан қиёслаш, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини кўрсата билиш.

Драматик асардаги персонажларнинг ҳар бир репликасида қаҳрамоннинг ҳаракатини, унинг маънавий қиёфасини кўриш, унинг ўзига хос овозини тинглай олиш.

Саҳна асаридаги қаҳрамонлар кайфиятининг ўзгаришларини кузата олиш. Бадиий асардаги муаллиф нуқтаи назарини тушунтира олиш. Сатирик ва юмористик асарлардаги иронияни ҳис эта олиш. Бадиий асардан олган тасаввур ва таассуротларини интеллектуал ва эмоционал тарзда, мантикий изчилликда ифодалай олиш.

Малакалар. Асардаги воқеалар ва тимсоллар муносабатини таҳлил қилиш, ўрганилган адабий асарнинг асосий бадиий хусусиятлари бўйича мулоҳаза юритиш, улардан тегишли хулосалар чиқариш. Бадиий асарларни мавзуси, жанри, услубини назарга олган ҳолда тўғри, ифодали, таъсирчан ўқиш. Имло луғати, изоҳли луғатлардан фойдаланиш.

Бадиий адабиётда акс этган ҳаётий ҳодисалар (гўзаллик, хунуклик, эзгулик, ёвузлик) моҳияти, бундаги ижодкор нияти ва асарда қўйилган бош муаммони, унинг ечимидаги бадиий ўзига хосликларни англаш ва уларни реал ҳаёт ҳодисалари билан қиёслаш, лирик қаҳрамон руҳиятига таянган ҳолда қаҳрамонларга муносабат билдириш. Тасвир мазмунига таянган ҳолда асарда акс этмаган портретнинг оғзаки баёнини бериш.

Берилган адабий ва эркин мавзуларда иншо ёзиш; ўрганилган адабий-назарий тушунчалардан бадиий матнда фойдаланиш; нотаниш матнни овоз

чиқариб 120-130 сўз тезлигида ўқиш; нотаниш матнни овоз чиқармай 195-205 сўз тезлигида ўқиш; дастурда тавсия этилган 9-10 бадий матнни ёд олиш.

IX синф

Билимлар. Халқ дostonлари ва уларнинг турлари, шеърӣ роман, мемуар асар, ижтимоӣ ва интим лирика, бадий асарда қирғиз миллатининг рух ифодаси, рухӣ таҳлил, пафос, адабиётдаги комил инсон тасвирининг ўзига хослиги, тасаввуф ва тасаввуфӣ истилоҳлар, ташхис, мусамман, лирик қаҳрамон образи, трагик образлар ва ҳаёт ҳақиқати, сўз санъатининг образлилигини, ўрганилган адабий асарлар мазмунини, ўрганилган ижодкорларнинг ҳаёти ва ижодига оид асосий факт ва ҳодисаларни, тарихӣ-адабий жараёнга хос бўлган асосий қонуниятларни, мустақиллик даври адабиётининг хусусиятлари каби назарӣ маълумотларни билиш.

Кўникмалар. Бадий асар мазмунини турли шаклларда (қисқартириб, шахсини ўзгартириб, аслига яқин ҳолда...) қайта ҳикоялай олиш; қирғиз адабиёти тарихи ва адабиёт назарияси маълумотларига (мавзуси, муаммоси, маънавий йўналиши, образлар тизими, композицион хусусиятлари, тилнинг тасвирӣ воситалари, бадий детал) таянган ҳолда бадий асарни таҳлил қилиш ва изоҳлай олиш; ўрганилаётган асар эпизодини таҳлил қилиш, унинг асарда қўйилган ижтимоӣ-эстетик муаммо билан алоқадорлигини тушунтира олиш; бадий адабиётда тасвирланган воқеа ва ҳодисаларни ижтимоӣ ҳаёт ва маданият билан алоқадорлигини кўрсатиш, унинг конкрет-тарихӣ ҳамда умуминсонӣ мазмунини очиб бера олиш; бадий асар тури ва жанрини аниқлаш, адабий асарлар ва қаҳрамонларни қиёслай олиш; ўрганилган асар ёки ундан олинган парчани ифодали ўқиш, ўқиган асарига баҳо беришда ўз мулоҳазаларини асослай билиш; ўқилган асар юзасидан тақриз ёза олиш; ўрганилаётган асарнинг ғоявий-бадий мазмунини тушуниш, бадий асардаги гўзал ғоянинг муносиб шаклда ифодаланганини ҳис этиш ва ундан завқлана олиш; бадий асар билан яқинлик туфайли ҳосил бўладиган туйғуларни ҳис этиш ва уни сўз билан ифодалай олиш; мумтоз адабиёт, XIX-XX аср қирғиз адабиёти, мустақиллик даври адабиётининг асосий тамойилларини англай олиш.

Малакалар. Айрим асарларнинг реал ҳаётӣ асосларини, айрим қаҳрамонларнинг прототипларини ўзаро қиёслаш, ўз хулосаларини эркин тушунтириш; ижодкорнинг икки ёки ундан ортиқ асарларини қиёслаш; ўзаро яқин мавзуларда ижод қилган адибларнинг ижодларини қиёсий таҳлил қилиш. Ҳар қандай жанрдаги бадий асарни яхлит адабий-эстетик ҳодиса сифатида тасаввур этиш, унинг қисмлари орасидаги боғланишларни идрок этиш, адабий жанрларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини изоҳлаш. Матндаги ҳодисалар, қаҳрамонлар характери ва хатти-ҳаракатлари орасидаги ўзаро алоқадорликни изоҳлаш. Адабий-назарӣ тушунчалар моҳиятини тушуниш ва ўзлаштирилаётган бадий асар таҳлилида улардан фойдаланиш. Ёзувчининг услубӣ ўзига хослигини англаб етиш. Адабий, адабий-ижодӣ

ва эркин мавзуларда тақриз, аннотация, баён ва иншолар ёзиш; турли лугатлардан фойдаланиш.

Нотаниш бадий матнни овоз чиқариб 125-135 сўз тезлигида ўқиш; нотаниш матнни овоз чиқармай 200-210 сўз тезлигида ўқиш; дастурда тавсия этилган 10-11 бадий матнни ёд олиш.